Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 19 март 1969 йил, чоршанба ● № 66 (14.229). ● Баҳоси 2 тийин.

«Ўзбексельмаш» заводи коллективи пахтакор колхоз ва совхозларга ой сайин 650 дона чигит экиш сеялкаси жўнатиб турибди. Суратда: комплектловчи Клавдия Николаева ва контролёр Михаил Еленов «СТХ-4 Б» маркали сеялкаларнинг навбатдаги партиясини жўнатиш олдида.

И. Глауберзон фотоси.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ БЎЛГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ЕВРОПАДАГИ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРГА

МУРОЖААТИ

Варшава Шартномасида аъзо бўлган давлатлар — Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчилари — Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикаси ўз халқларининг Европадаги бошқа халқлар билан тинч ва яхши қўшни бўлиб яшаш орзуларини, шунингдек бизнинг қитъамизда хавфсизлик ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш ишида кўмаклашишга қатъий қарор бергانликларини изҳор қилиб, Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида куч-гайратни оширишга қаратилган қуйидаги даъват билан Европанинг барча давлатларига мурожаат қиладилар.

Европа халқларининг ҳозирги ва келажакдаги ҳаёти бизнинг қитъамизда тинчликнинг сақланиши ва мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Европа давлатларининг фикр-ўйлари, ишлари ва куч-гайрати кескинликни юмшатишга, етилган халқаро проблемаларнинг реаллигини ҳисобга олиб, уларни ҳал этишга, Умумевропа асосида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадига қаратилган тақдирда чинакам хавфсизлик ва мустаҳкам тинчлик таъмин этилиши мумкин.

Яхши қўшничилик, ишонч ва ўзаро ҳамжиҳатликка олиб борадиган йўл Европадаги барча мамлакатлар халқлари ва ҳукуматларининг хоҳиши-родаси ва зўр бериб ҳаракат қилишига боғлиқдир. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ҳозирги Европа ўзининг ижтимоий тузуми, жойланиши, манфаатлари турлича бўлган ўтгиздан ортиқ катта ва кичик давлатлардан иборат. Аммо, тарихнинг иродаси билан улар ёнма-ён туриб яшамоқдалар ва бу фактни ҳеч ким ўзгартирэ олмайди.

Тобора кўп ҳукуматлар, парламентлар, партиялар, сиёсий арбоблар ва жамоат арбоблари Европада янги ҳарбий можароннинг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун ҳозирги авлод ва келгусидаги авлод олдида ўз зиммаларига юклانган жавобгарликни гушунчб олмоқдалар. Аммо Европада низоларни бартараф қилиш ва тинч битимлар тузиш эмас, балки қўшимча дивизия ва ракеталарни, олдиндан бир неча ўн йилга мўлжалланган янги ҳарбий программаларни вужудга келтириш Европани ривожлантиришга ҳисса қўшади, деб ҳаракат қилаётган кучлар ҳам бор. Иккинчи жаҳон урушининг якунларидан тегишли сабоқларни чиқариб олмаганлар ҳам улар билан биргаликда ҳаракат қилмоқдалар. Иккинчи жаҳон уруши натижасида герман милитаризми ва нацизми тор-мор қилинган эди. Уларнинг кирдикорлари кескинлик манбаи бўлиб, халқаро муносабатларни мушкуллаштирмоқда.

Кенгаш қатнашчиси бўлган давлатлар янги ҳарбий можаролар хавфидан Европани қутқазиш, Европадаги барча мамлакатлар ўртасида, уларнинг ижтимоий тузуми қандай бўлишидан қатъи назар, тинч-тотув яшаш принциплари асосида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида кенг йўл очиб бериш учун бундан буён ҳам кўпларидан келган ҳамма чораларни кўришни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Ҳали ҳал этилмаган проблемалар ҳар қанча мураккаб бўлганида ҳам, уларни куч ишлатиш йўли билан ёки куч ишлатиш билан тахдид қилиш йўли билан эмас, балки музокаралар олиб бориш йўли билан тинч воситалар ёрдамида ҳал этиш керак.

Варшава Шартномасининг қатнашчиси бўлган давлатлар Европадаги аҳволни таҳлил этиб, Европадаги барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларини эътиборга олган ҳолда, биргаликда ҳаракат қилиш йўли билан Европа хавфсизлигини таъминлашнинг реал имкониятлари мавжуд, деб ҳисоблайдилар.

Варшава Шартномасининг қатнашчиси бўлган давлатлар бундан қарийб уч йил мукаддам Бухарестда Европа хавфсизлиги ва тинч ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилмоқ учун умумевропа кенгашини чақиришни таклиф этган эдилар. Уша вақтдан буён бўлган алоқалар Европадаги ҳукуматларнинг бирортаси ҳам умумевропа кенгашни чақириш ғоясига қарши чиқмаганлигини ва бу кенгашни ўтказиш учун реал имкониятлар борлигини кўрсатди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин музокаралар йўли билан қараб чиқилиши лозим бўлган кўп масалалар бўлишига қарамай, Европа давлатлари бирор марта ҳам бир жойга тўпланишмади. Тиқилликни мустаҳкамлаш манфаатлари кўзга тутилар экан, умумевропа кенгашининг чақирилишини пайсалга солиш учун ҳеч қандай асосли сабаблар йўқ.

Бундай кенгаш Европадаги барча давлатларнинг манфаатларига жавоб берган бўлур эди. Бу кенгаш Европанинг ҳарбий гурухларга бўлинишини тугатиш ва Европа давлатлари ҳамда халқлари ўртасида тинч ҳамкорликни амалга оширишга олиб келадиган йўл ва воситаларни биргаликда қидириб топиш имконини берган бўлур эди.

Аммо жаҳонда қитъамизнинг бўлинган ҳолда сақланишига интилиб, кескинликни авж олдириш сиёсатини ўтказиб, давлатлар ва халқлар ўртасида тинч ҳамкорликнинг йўлга қўйилишидан воз кечиб, бундай кенгашнинг чақирилишига қарши ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги бошқа тадбирларга қарши чиқаётган кучлар бор.

Бу кенгашда қатнашган давлатлар шунга аминдирларки, умумевропа ҳамкорлигини ривожлантириш ҳарбий кучларнинг бир-бирига хатарли равишда қарама-қарши туриши, қуролланиш пойгаси ва нифоқ-адоватга қарши бир-бир реал йўл бўлиб келди ва шундай йўл бўлиб қолаверади. Иккинчи жаҳон урушининг якунларини чиқаришга ва Европанинг харитасини ўзгартиришга интилаётган агрессия кучлар ана шу нифоқ-адоватларни бундан буён ҳам Европага мажбуран қабул қилдиришга уринмоқдалар.

Варшава Шартномасининг қатнашчиси бўлган давлатлар жаҳоннинг ҳарбий блокларга бўлишига қарши, қуролланиш пойгасига қарши ва тиқилик ҳамда халқлар хавфсизлиги иши учун бундан келиб чиқадиган тахдидга қарши қаратилган ўз таклифларини ва Европада тинчликни ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида 1966 йилда Бухарестда қабул қилинган Декларацияда баён қилинган бошқа тадбирлар ҳамда қоидаларни таъкидлаб ўтадилар.

Янги ҳарбий можароларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тенглик, давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш асосида барча давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш — Европа халқлари учун ҳаётий эҳтиёж бўлиб қолди. Европа хавфсизлигининг мустаҳкам системаси бутун қитъа аҳолисининг фаровонлигига бевосита алоқадор бўлган энергетика, транспорт, сув ва ҳаво ҳавзалари, соғлиқни сақлаш соҳасидаги йирик лойиҳаларни биргаликда ҳаракат қилиб амалга ошириш учун объектив имконият ва заруратни вужудга келтиради. Ана шу муштарак нарса Европа ҳамкорлигининг пойдевори бўла олади ва бўлиши керак.

Европадаги мавжуд чегараларнинг, шу жумладан Одер ва Нейс бўйлаб ўтган чегараларнинг, шунингдек, Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги чегараларнинг даҳлсизлиги, Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикасининг мавжудлигини тан олиш, ГФРнинг бутун немис халқи номидан иш кўриш ҳақидаги даъволаридан воз кечиши, бирор шаклда ядро қуролига эга бўлишдан воз кечиши Европа хавфсизлигини таъминлашнинг асосий заминларидан биридир. Ғарбий Берлин алоҳида статусга эгадир ва Ғарбий Германияга қараши эмас.

Болгария Халқ Республикаси номидан
Тодор Живков

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси.

Венгрия Халқ Республикаси номидан
Янош Кадар

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Енё Фок

Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси.

Германия Демократик Республикаси номидан
Вальтер Ульбрихт

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси.

Вилли Штоф

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси.

Польша Халқ Республикаси номидан
Владислав Гомулка

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Юзеф Циранкевич.

Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси.

Ўзаро келишиб, кенгашни чақириш тартибини белгилаш, шунингдек унинг кун тартибидаги масалаларни белгилаш учун Европадаги манфаатдор барча давлатлар вакилларининг тез орада учрашуви Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги амалий қадам бўлур эди. Биз айни вақтда бу кенгашга тайёргарлик кўриш ва уни чақириш усулига доир бошқа ҳар қандай таклифни қараб чиқишга тайёрмиз.

Сиёсий маслаҳат комитети кенгашининг қатнашчиси бўлган давлатлар Европадаги барча мамлакатларга мурожаат қилиб, уларни умумевропа кенгашини чақиришда ва бу кенгашнинг муваффақиятли ўтиши ва халқларнинг унга боғлаган умидларини оқлаши учун зарур шарт-шароитни вужудга келтиришда ҳамкорлик қилишга даъват этадилар.

Ана шу муҳим тадбир қитъанинг ҳаётида тарихий бир давр бўлур эди. Бу тадбирни амалга оширмоқ учун кенгаш қатнашчиси бўлган давлатлар ишонч вазиятини мустаҳкамлаш ва шу мақсадда давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган муҳитни заҳарлай оладиган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиб туриш ҳақидаги тантанали даъват билан, Европанинг барча мамлакатларига мурожаат қиладилар. Улар тинчлик тўғрисидаги умумий гаплардан конкрет ҳаракатларга ва кескинликни юмшатиш ҳамда қуролсизланиш, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва тинчликни ривожлантириш чораларига ўтишга даъват этадилар. Улар Европадаги барча ҳукуматларга мурожаат қилиб, Европанинг тенг ҳуқуқли миллатлар ўртасида самарали ҳамкорлик қитъаси, бутун дунёда барқарорлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик омили бўлиб қолиши учун бутун куч-гайратларини бирлаштиришга даъват этадилар.

Руминия Социалистик Республикаси номидан
Николае Чаушеску

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат кенгашининг раиси.

Ион Георге Маурер.

Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан
Л. И. Брежнев

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари

А. Н. Косигин

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси.

Чехословакия Социалистик Республикаси номидан
Людвик Свобода

Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти

Александр Дубчек

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Олдржих Черник

Чехословакия Социалистик Республикаси федерал ҳукуматининг раиси.

Будапешт, 1969 йил 17 март.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИ КЕНГАШИНИНГ АХБОРОТИ

1969 йил 17 мартда Будапештда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашда қуйидагилар қатнашдилар:

Болгария Халқ Республикасидан — Тодор Живков, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси, делегация бошлиғи, Живко Живков, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари; Иван Башев, ташқи ишлар министри; Атанас Семерджиев, халқ мудофаа министрининг биринчи ўринбосари; Васил Богданов, Болгария Халқ Республикасининг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси:

Венгрия Халқ Республикасидан — Янош Кадар, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, делегация бошлиғи; Енё Фок, Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматининг раиси; Золтан Комочин, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари; Генерал-полковник Лайош Цинеге, мудофаа министри; Фридьеш Пуя, ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари;

Германия Демократик Республикасидан — Вальтер Ульбрихт, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ГДР давлат кенгашининг раиси, делегация бошлиғи; Вилли Штоф, ГДР Министрлар Советининг раиси; Эрих Хонеккер, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари; Герман Аксен, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари; Отто Винцер, ташқи ишлар министри; Генерал-полковник Гейнц Кесслер, миллий мудофаа министрининг ўринбосари;

Польша Халқ Республикасидан — Владислав Гомулка, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, делегация бошлиғи; Юзеф Циранкевич, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси; Зенон Клишко, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари; Стефан Ендриховский, ташқи ишлар министри; Брони генерали Войпех Ярузельский, миллий мудофаа министри; Адам Кручковский, ташқи ишлар министрининг ўринбосари; генерал-майор Болеслав Хоха, миллий мудофаа министрининг ўринбосари, бош штаб бошлиғи;

Руминия Социалистик Республикасидан — Николае Чаушеску, Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси давлат кенгашининг раиси, делегация бошлиғи; Ион Георге Маурер, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси; Корнелиу Мэнеску, ташқи ишлар министри; генерал-полковник Ион Ионицэ, қуролли кучлар министри;

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидан — Л. И. Брежнев, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, делегация бошлиғи; А. Н. Косигин, СССР Министрлар Советининг Раиси; К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг секретари; А. А. Громико, ташқи ишлар министри; Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, мудофаа министри; К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири;

Чехословакия Социалистик Республикасидан — Александр Дубчек, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, делегация бошлиғи; Людвик Свобода, Чехословакия Социалистик Республикаси президенти; Олдржих Черник, Чехословакия Социалистик Республикаси федерал ҳукуматининг раиси; Ян Марко, ташқи ишлар министри; генерал-полковник Мартин Дзур, миллий мудофаа министри.

Кенгаш ишида, шунингдек, Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондонлиги Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский ҳам иштирок этди.

Сиёсий маслаҳат комитети мудофаа министрлари томонидан тегишли ҳукуматлар маъқуллаган ҳолда ишлаб чиқилган тадбирлар тўғрисида Бирлашган Қуролли Кучлар Бош қўмондонининг докладини эшитди. Кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган давлатлар мудофаа министрлари комитети тўғрисидаги Низомни, Бирлашган Қуролли Кучлар тўғрисидаги ва бирлашган қўмондонлик тўғрисидаги янги Низомни ҳамда Варшава Шартномаси мудофаа ташкилотининг структурасини ва бошқариш органларини янада такомиллаштириш мақсадида тузилган бошқа ҳужжатларни батафсил қараб чиқдилар ва якдиллик билан тасдиқладилар.

Бирлашган Қуролли Кучларнинг Бош қўмондонига қабул қилинган қарорларнинг белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш топширилди.

Кенгаш иштирокчилари мазкур маъқулланган тадбирлар социализм иши, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик иши манфаатлари йўлида Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган социалистик мамлакатларнинг мудофаа қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган давлатлар кескинликни камайтиришга ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ғайрат ҳаракатларини давом эттириб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан умумевропа кенгашини тайёрлаш ва уни ўтказиш хусусида Европадаги барча мамлакатларга карата якдиллик билан мурожаат қабул қилдилар.

Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши қардошларча дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик руҳида ўтди.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ИЛҒОРЛАРГА ДОИМИЙ ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта етиштиришни кўпайтириш ва ҳосилдорликни ошириш юзасидан республиканинг областлари, районлари ва совхозлари ўртасида 1968 йилги социалистик мусобақа якунларини қараб чиқдилар.

1968 йилда пахта етиштиришни кўпайтириш ҳамда унинг ҳосилдорлигини оширишда муваффақиятларга эришганликлари учун қуйидагилар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг ёдгорлик Қизил байроқлари доимий сақлаш учун берилди:

— **Хоразм областига.** Бу область давлатга 376,7 минг тонна ёки пландагига нисбатан 63,7 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 37,0 центнердан ҳосил кўтарди.

— **Қорақалпоғистон АССРга.** Автоном республика давлатга 300,6 минг тонна ёки пландагига нисбатан 60,6 минг тонна кўп пахта топшириб пахта ҳосилини гектарига 3,9 центнер кўпайтирди.

— **Қашқадарё областига.** Бу область давлатга 252,2 минг тонна ёки пландагига нисбатан 42,5 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 27,5 центнердан ҳосил кўтарди.

— Хоразм областининг **Янгиариқ районига.** Бу район давлатга 76,1 минг тонна ёки пландагига нисбатан 17,0 минг тонна кўп пахта топшириб гектаридан 40,1 центнердан ҳосил кўтарди.

— Хоразм областининг **Шовот районига.** Бу район давлатга 45,6 минг тонна пландагига нисбатан 9,4 минг тонна кўп пахта топшириб гектаридан 38,7 центнердан ҳосил кўтарди.

— Сурхондарё областининг **Шўрчи районига.** Бу район давлатга 78,2 минг тонна ёки пландагига нисбатан 12,2 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 36,7 центнердан ҳосил кўтарди.

— Қорақалпоғистон АССРнинг **Тўртўл районига.** Бу район давлатга 63,3 минг тонна пландагига нисбатан 8,4 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 36,6 центнердан ҳосил кўтарди.

— Сурхондарё областининг **Жарқўрғон районига.** Бу район давлатга 55,2 минг тонна пахта, шу жумладан, 25,4 минг тонна нигичка толали пахта, жами пландагига нисбатан 7,4 минг тонна кўп, шу жумладан, 2,5 минг тонна нигичка толали пахта топшириб, гектаридан 35,0 центнердан пахта, шу жумладан, 30,3 центнердан нигичка толали ҳосил кўтарди.

— Қашқадарё областининг **Шаҳрисабз районига.** Бу район давлатга 81,4 минг тонна, пландагига нисбатан 10,9 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 32,0 центнердан ҳосил кўтарди.

— Наманган областининг **Поп районига.** Бу район давлатга 39,5 минг тонна, пландагига нисбатан 2 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 31,1 центнердан ҳосил кўтарди.

— Бухоро областининг **Свердлов районига.** Бу район давлатга 41,5 минг тонна, пландагига нисбатан 5,9 минг тонна кўп пахта топшириб гектаридан 30,9 центнердан ҳосил кўтарди.

— Андижон областининг **Избоскан районига.** Бу район давлатга 89,7 минг тонна пландагига нисбатан 1,7 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 29,8 центнердан ҳосил кўтарди.

— Самарқанд областининг **Хатирчи районига.** Бу район давлатга 40,3 минг тонна, пландагига нисбатан 4,3 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 26,9 центнердан ҳосил кўтарди.

— Фарғона областининг **Ўзбекистон районига.** Бу район давлатга 62,9 минг тонна, пландагига нисбатан 2,7 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 25,5 центнердан ҳосил кўтарди.

— Қорақалпоғистон АССРнинг **Негайли районига.** Бу район давлатга 38,5 минг тонна, пландагига нисбатан 12 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 21,8 центнердан ҳосил кўтарди.

— Қашқадарё областининг **Косон районига.** Бу район давлатга 37,9 минг тонна, пландагига нисбатан 9,9 минг тонна кўп, шу жумладан 3,6 минг тонна нигичка толали пахтани кўп топшириб, гектаридан 25,9 центнердан ҳосил кўтарди.

— Тошкент областининг **Оққўрғон районига.** Бу район давлатга 69,4 минг тонна пахта топширди ва етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териб олди.

— Сурхондарё областининг **«ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозига.** Бу совхоз давлатга 7,9 минг тонна, пландагига нисбатан 1,3 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 39,6 центнердан ҳосил кўтарди.

— Сурхондарё областининг **«Хазорбоғ» совхозига.** Бу совхоз давлатга 14,1 минг тонна, пландагига нисбатан 1,8 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 39,1 центнердан ҳосил кўтарди.

— Андижон областининг **«Савай» совхозига.** Бу совхоз давлатга 16,2 минг тонна, пландагига нисбатан 2,2 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 31,9 центнердан ҳосил кўтарди.

— Қорақалпоғистон АССРдаги **М. Горький номли совхозга.** Бу совхоз давлатга 12,2 минг тонна, пландагига нисбатан 3,6 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 31,6 центнердан ҳосил кўтарди.

— Қашқадарё областидаги **«Москва» совхозига.** Бу совхоз давлатга 9,4 минг тонна, пландагига нисбатан 2,8 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 28,8 центнердан ҳосил кўтарди.

— Самарқанд областидаги **«Зарафшон» совхозига.** Бу совхоз давлатга 6,4 минг тонна, шу жумладан пландан ташқари 1000 тоннадан кўпроқ пахта топшириб, гектаридан 26,7 центнердан ҳосил кўтарди.

— Фарғона областидаги **«Бешариқ» совхозига.** Бу совхоз давлатга 13,9 минг тонна, пландагига нисбатан 1,9 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 26,5 центнердан ҳосил кўтарди.

— Бухоро областидаги **«Октябрь 50 йиллиги» совхозига.** Бу совхоз давлатга 8,0 минг тонна, пландагига нисбатан 1,7 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 25,2 центнер ҳосил кўтарди.

— Қашқадарё областидаги **«Партия XX съезди» совхозига.** Бу совхоз давлатга 11,9 минг тонна, пландагига нисбатан 2,4 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 25,1 центнердан ҳосил кўтарди.

— Наманган области қўриқ ерлари **«Гулбоғ» совхозига.** Бу совхоз давлатга 10,3 минг тонна, пландагига нисбатан 1,6 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 24,5 центнердан ҳосил кўтарди.

— Қорақалпоғистон АССРдаги **Куйбишев номли совхозга.** Бу совхоз давлатга 8,7 минг тонна, пландагига нисбатан 3,1 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 23,0 центнердан ҳосил кўтарди.

— Сирдарё области қўриқ ерлари **«Самарқанд» совхозига.** Бу совхоз давлатга 13,1 минг тонна, пландагига нисбатан 1,4 минг тонна кўп пахта топшириб, гектаридан 20,3 центнердан ҳосил кўтарди.

Суратда: Андижон трикотаж фабрикасининг пешқадам ишчиси Ширмонхон Каримова. Ленинча меҳнат вахтасида туриб ишлаётган бу комсомол аъзоси смена нормаларини доимо ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлмоқда.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯРИМ АСР ПАРТИЯ САФИДА

ЮРТИНИ ҚЎМСАГАНДА

Эркиндик, озодлик ва бахт дарахтда битадиган мева эмаски, силкитсанг ерга тўшса. Сармоя ҳукмронлик қилган жамиятда ҳақиқий бахт тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Лекин Ҳасан буни қаердан билсин. У нажот излаб, бахт излаб Самарқандниг Довул қишлоғига келди. Красноводск — Тошкент темир йўли қурилишида тиним билмай ишлади. Бири икки бўлмади. Кавказнинг хушҳавоси, мафтункор табиати салобатли тоғларини қайта кўриш насиб қилармикан? Шуни ўйлаганда хўрлиги келарди. Йиллар ўтаверди. Ўйланиб фарзанд кўрди. Отини Акбар қўйди. Лекин мурғак ота меҳри, она алласига тўймади, етим қолди.

Бойнинг Акбар тенги фарзандлари, «лезгинка»га ўйнаётганда, у Самарқанд яқинидаги Жума қишлоғидаги савдогар Бурхонбой Бобожоновнинкида хизматкорлик қилиб, бошида ёнғоқ чақиларди.

Шароит тақозоси билан Акбар Жума станциясидаги хизматчилар орасида тез-тез бўларди. Кўп ўтмай станция бошлиғи Купцов, унинг ёрдамчилари Сахаров, Цветков ва ишчилар билан сирдош бўлиб қолди.

— Бу рус кишилари менинг кўзимни очишди. Чоризмнинг ўлими муқаррарлиги, ишчи-деҳқонлар, В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия халқнинг асрий орзусини рўёбга чиқаргани, инқилоб бўлганини ҳам мен шулардан эшитдим. Эски тузум совунига кир ювганмаи. Инсонни қандай таҳқирланганини ўз танамда синаб кўрганман. Шунинг учун инсонпарвар жамиятни қўлда қурол билан ҳимоя қилишни ўз бурчим деб билдим. Ҳеч иккиланмай қўлга қурол олдим,— деб хотирлайди Акбар ота.

Революциянинг илк кунлариданоқ қизилгвардиячи отряд таркибида бошланди. Довул қишлоғида тенгқурларидан 11 кишини тўплаб, А. Ҳусанов қизилгвардиячиларнинг Туркистондаги дастлабки отрядларидан бирини тузди. Унинг аъзолари Фозил Қобулов, Жўра Қурбонлар бўлиб, ҳаммаси ҳам қашшоқ деҳқон болалари эди. Улар билан бирга рус Гриша, армани Вагаршак Тер-Григорянц ва черкес Акбар Ҳусанновлар бир мақсад йўлида — революция, озодлик, халқ бахт-саодати йўлида керак бўлса, жонларини фидо қилишга қасамёд қилишди. Бу интернационал отрядга унинг ташаббускори А. Ҳусанов комиссарлик қилди.

1917 йилнинг декабрида Самарқанд область Советининг раиси А. И. Фролов, областнинг ҳарбий комиссари В. С. Гушча А. Ҳусанович Самаркандга чақиради. Улар отряд фаолиятидан мамнун эканликларини айтишиб, унинг олдига муҳим жангговар вазифа қўйишади. У ҳам бўлса, Бухоро хонлиги билан чегарадош ерларда соқчилиқ қилиш эди.

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

Отряд Жом қишлоғидаги деҳқон Жаббор отанинг ҳовлисига жойлашди. Тун кун сергаклик билан ўз ишларини ўтай бошлади.

Бир куни, кечга яқин хуржунни эшакка ортган «чўпон» қиёфасидаги кимса кела бошлади. Лекин у эшакни қамчилаб қадамини тезлата бошлади. Тез-тез орқасига қараб қўярди. Қанча уринмасин асаби бўшлиги панд берди. Буни сезган соқчилардан бири у томон юра бошлади. Шошилиб қолган «чақирилмаган меҳмон» ўт очиб, соқчини ярадор қилди. Ҳамма нарса аён бўлди. Отряд тезликда уни қуршовга олди. Отишма бошланди. Унинг ёнидан ва хуржунидан чор армияси штабс-капитани Вольц номига ёзилган ҳужжат, иккита револьвер, қилтиқ, ўқ-дори ва олтин тангалар топилди.

Бу воқеа ҳақида отряд аъзолари Жаббор отага хиёнат қилиб беришганда, унинг юзидан ғаминлик пардаси кўтарилмади.

— Капитан-ку жаҳаннамга кетибди. Қилмиш-қидирмиш. Лекин Жума қорабошни нима қиласизлар? Мен кўшни қишлоққа борган эдим. Дув-дув гап. Чироқчилик бек сизларнинг бу ердалигингиздан дарак топганмиш. 30-40 йигити билан» «газават»га тайёрланаётганмиш, — деди Жаббор ота. Отряд аъзолари бир-бирига маъноли қараб олишди. Энди нима қилиш керак? Бунга ҳам отанинг ўзи жавоб берди.

— Биласизларми, — деди у, — вақтинчалик сизлар менинг уйимдан узоқроқ ва пана ерга жойлашасизлар.

— Хўш, кейин нима бўлади? — сўради отряд бошлиғи.

— Нима бўларди? Бек албатта менинг ҳовлимга келади.

Сизларни сўрайди. Билмайман, кўрмадим дейман, вассалом.

Иш Жаббор ота айтгандек бўлди, отряд яширинди. Лекин гиштоти ўйлаганидек қолипдан осон кўчмади. Қўлида қамчинини ўйнатиб, мўйловини бураб бек Жаббор отани сўроққа тута бошлади. Жума қорабош «отряд Самарқандга кетди» деган жавобни эшитгач, имони кўкка сачради.

— Ҳали қизилларнинг пушти-паноҳи бўлиб, тилёғламалик ҳам қиласанми, деб уни айвон устунига боғлатиб қўйиб, ўласи қилиб савалатди. Лекин ўдар ҳанчалик қийнашмасин, отадан «билмайман», «кўрмадим», «йўқ» жавобини олишарди. Кечгача бек йигитлари Жаббор ота ва қўшиларининг уйини остин-устун қилишди.

Пистирмага қўйилган соқчи қош қорайганда отрядга хабар берди. Отряд етиб келиб, ўт очганда ҳаммадан олдин бекнинг ўзи қочиб қолди. Саросимага тушган унинг йигитларидан 15 га яқини ўлди ва яралар бўлди. Қизилгвардиячилардан бири отани устундан ечиб оларкан:

— Ота, сизга жабр бўлди-да,— деди.

— Ит итдигини қилди, — дерди ота. — Ҳечқиси йўқ. Бу кўзлар не балоларни кўрмади-ю, не савдоларни бошдан кечирмади. Лекин бекнинг шаталоқ отиб қочганини кўрдинглар. Энди гап шу—ў қайта келса, бутун қишлоқни сёққа тургизамиз. Менга ҳам милтиқ отишни ўргатиб қўйсаларинг бас.

РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТ ҚАҲРАМОНИ

Хива хонлигидан полковник И. М. Зайцев бошчилигидаги оқ гвардиячиларнинг катта группаси Тошкентга келаётиб, Жума станциясида тўхтаби. Шу боисдан отряд олдига муҳим жангговар топшириқ қўйилган. Оқлар армиясининг сони ва қуролларининг турини аниқлаш зарур. А. Ҳусанов тезда ишга киришади. Олинган маълумотларни вақтида Самарқандга етказиш учун учта отлиқ пост тайинлайди. Довурак А. Ҳусанновнинг ўзи Жумада қолади. Тезда оқлар билан «апоқ-чапоқ» бўлиб кетади. Чунки уларнинг кўпчилиги билан Бурхонбой даргоҳида хизматкорлик қилганида танишиб олган эди. Оқларнинг сони, қурол турлари ўёқда турсин, ҳатто уларнинг режаларини ҳам тўла билиб олди.

Гражданлар уруши авж олган бир пайтда, контрреволюционерларнинг коммунистларни кўришга кўзи йўқ бўлса-да, отишга ўқи бор эди. Худди ана шундай бир пайтда ВКП(б)нинг Самарқанд уезд комитети вакили Довул волостига келади. 1919 йилнинг 24 январида синовлардан муваффақиятли ўтган Акбар Ҳусанов ва отряд аъзоларининг ҳаммаси Коммунистик партия сафига қабул қилинади. Волость партия комитетидан партия билетини олиб қайтаётган Акбар Ҳусанновнинг кўнгли тоғдек кўтарилган эди. Чунки, увиқ эзгу-орзуси ушалди. Отасига орзу бўлиб кўринган бахт унга насиб қилди. У ўз тақдирини ҳақиқат тантанаси учун курашувчилар билан боғлади.

— Очиғини айтсам, ўшанда жуда ҳаяжонландим. Партиянинг олдиги бир солдати сифатида бутун умрга унга содиқ бўлишни дилимга жо қилдим. Коммунист номини доимо пок сақлашга қарор бердим.

Довул волость ва Жиззах район партия комитетининг секретари, озиқ-овқат комиссияларида ишлаб, очарчиликка қарши курашганимда ҳам, Ўзбекистон Марказий Ижроия комитети ва республика «Осовиахим» Советида ишлаганимда ҳам доимо шу мўътабар номни оқлаяпманми деб ўз-ўзимдан сўрардим, — дейди ўтмиш йилларни эсларкан Акбар ота.

1920 йилнинг августида саркарда М. В. Фрунзе қўзғолон кўтарган Бухоро халқига ёрдам бериш ҳақида қўшинларга буйруқ берди. Партия топшириғи билан коммунист А. Ҳусанов 1-Туркистон отлиқ дивизиясининг ихтиёрига юборилади. Ўни учинчи отлиқ аскарлар дивизияси разведка бўлимига ишга тайинлашади. Толмас жангчи мазкур бўлим составида Бухорода социализм ғалабасини таъминлашда жонбозлик қилди. Китоб, Шаҳрисабз, Ғузор, Қарши ва Бухорода амир салтанатига чек қўйишда фидоийлик намунасини кўрсатди.

САҲОВАТЛИ ОТАХОНЛАРИМИЗ

1966 йил, 26 апрель. Тошкентда офат юз берди. Ленин партиясининг Программасига ёзиб қўйилган «Киши-кишига дўст, ўртоқ ва биродар» деган самимий сўзлар ўз қудратини яна бир бор кўз-кўз қилди. Бутун мамлакат Тошкентга ёрдам берди. Совет халқларининг забардаст қўли Осиёнинг кўрки бўлган Тошкентни қайта бунёд этди. Ўшанда 80 яшар пенсионер Қурбон ота Бекмуҳамедов, Шоаҳмад ота Шомаҳмудовдан ибрат олиб, Акбар Ҳусанов ҳам «икки хонали уйимнинг бири ҳамшаҳаримга берилсин» деб Ленин район ижроқомига ариза берди.

Зилзила бошланган кунданоқ А. Ҳусанов Харьковдаги ўғлидан телеграмма ва хатлар ола бошлади. Ўғли уни тезда йўлга чорларди. Ота ўғлига йўллаган мактубларининг бирида гапнинг пўстакалласини айтди-қўйди. Тинч кунлари туғиш тотган она шаҳрим бошига кулфат тушганда, чемадонини қўлга олиб тинч жой қидиришга виждоним йўл бермайди, деди.

2219. Бу шунча мижоз, шунча табиат ва характерли одам. Ҳар бирини тинглаш, далда ва ёрдам бериш кўп сабр-бардош, билим талаб қилади. Йиллаб ёзилган кишилар билан ишлаш ва ташкилотчидик қобилияти Акбар Ҳусановга яна асқотди. Бирор киши унинг хузуридан ҳафа бўлиб чиқмади. А Ҳусанов Ленин район ижроия комитетига келганлардан шунча одамни жамоатчилик асосида қабул қилди. Депутатлар комиссияси билан шаҳар кезди, кимларга биринчи навбатда ёрдам беришни аниқлади... Вақт ўтди, палатналар йиғиштирилди. Саховатли отахонларимизнинг ҳиммати асло унутилмайди.

Юқорида айтилганидек, отахон пенсионер. Лекин у ҳамон меҳнат постида. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти да меҳнат қилмоқда. Ота қаерда ишламасин, ҳаммавақт меҳнатга коммунистик мусобатда бўлиш намунасини кўрсатди.

Башаринятга бахт нурини тараётган Совет давлатининг 50 йиллиги нишонланган бурноғи йили партия фарзанди А. Ҳусанов «Қизил юлдуз» орденини олишга сазовор бўлди.

Шу йил март ойида партия ветерани 70 ёшга тўлди. Ленин гвардиясининг кекса аблодига мансуб бўлган, курашларда тобланган коммунист ярим асрдан бери партия аъзоси деган шарафли номни доимо пок сақлади. Меҳнат қилди, бахт топди. Отасига сароб бўлиб кўринган бахтни у ўз қўли билан яратди. Отахоннинг сермазмун ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, беихтиёр, Ғ. Ғуломнинг қуйидаги сатрлари хотирангизга келади:

«Тақдирин қўл билан яратур одам
Ғойибдан келажак бахт бир афсона...»

У. АБДУАЗИМОВ,
М. УСМОНОВ.

ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

УРГАНЧ, 17 март. (ЎзТАГ). Хоразм область партия комитетининг бўлиб ўтган пленуми область қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги ва область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум сув тошқинга қарши тадбирларни ҳам муҳокама қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Е. С. Насриддинова, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов қатнашдилар.

ХАЛҚ НАФРАТИ ЧЕКСИЗ

СОВЕТ ЧЕГАРАЛАРИ МУҚАДДАСДИР

Қанчадан-қанча жангу жадаллар бошимиздан кечмади. Совет кишиси ана шундай кучли синовлардан бир неча бор омон ўтди. Ўз жонажон Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати атрофига метиндек жипслашган совет халқи Улуғ Ватан урушида ўз шуҳратини, ўз қадридон ва азиз Ватанининг шон-шавкатини бир умрга улуғлади. Биз тиш-тирноғигача қуроллланган гитлерчи босқинчиларни тор-мор келтирдик ва бу билан Совет халқи тараққийпарвар инсониятни энг мудҳиш хавфдан сақлаб қолди.

Биз ғалиба Ватанимиз даҳлсиз чегараларини бузишга уринган ҳар қандай ёвуз ниятларни фош этиб келдик ва уларга қақшатқич зарбалар бердик. Модомики, Хитой маъмурлари шу кунларда қалтис ва хавфли ҳаракат қилаётган эканлар, уларнинг ҳам шармандаси чиқиши турган гап.

Совет халқи ўз азиз тупроғининг бегона ва шарманда шахслар оёғи остида тапталишига ҳеч вақт йўл қўймайди. Бизнинг чегараларимиз муқаддас ва даҳлсиздир.

Я. ЖУРАЕВ, А. ҚУРБОНОВ, А. ИКРОМОВ, Ш. ҲАСАНОВ, Р. БОБОЕВ.

Бухоро область Свердлов районида яшовчи Улуғ Ватан урушн қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари.

ПЕКИН ИҒВОГАРЛАРИГА ЛАЪНАТ!

АНДИЖОН, 17 март. (ЎзТАГ). Маочиларнинг ғғвоси билан Совет — Хитой чегарасида қароқчиларча қилинган янги ҳужум ва ватандошларимизнинг тўккан қони «Жанубий Олямушук» нефть кони коллективини қаттиқ ғазаблантирди. Нефтчиларнинг митингида сўзга чиққан катта инженер-диспетчер, запасдаги майор П. Е. Ильенко қуйидагиларни айтди:

— Маочилар жуда ҳам ҳаддидан ошиб кетдилар. Улар Совет чегарасини бузиб ўтмоқчи бўладилар, ўз ватандошларини сурбетларча алдаб, Совет халқига нисбатан душманлик туйғуларини вуждга келтиришга интилмоқдалар. Биз ғғвогарларнинг территория ҳақидаги асоссиз даъволарини қатъиян рад этамиз. Пекин ҳукмдорларига лаънат ўқиймиз.

Нефтчилар яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда партия ва ҳукуматнинг ташқи сиёсатини тамомила маъқуллашдилар ва Пекин тўдасининг қароқчиларча қилаётган ҳаракатларига бундан бўён ҳам қаттиқ эарба берилади, деб ишонч билдиридилар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН КОНЛАРИ

ТАҚРИЗ

Яқинда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти бир гуруҳ атоқли олимларнинг «Ўзбекистон олтинининг маъдан формациялари ва олтин металлогениясининг асосий хусусиятлари» номли асарини босмадан чиқарди. Бу илмий монография Ўзбекистон ССР Геология министрлиги, республика Фанлар академияси Геология ва геофизика институти, геология ва минерал хом ашё бўйича Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти, СССР Геология министрлигининг марказий кон-разведка илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент политехника институтининг мутахассислари ва олимлари томонидан ёзилган.

Республикамиз олимлари ва геологларининг ғайрат билан ишлашлари туфайли айниқса кейинги ўн йил ичида йирик хазиналар кўзи очилди. Ўзбекистон Иттифоқ аҳамиятига молик бўлган ёнилги базасига айланди. Бухоро — Хива нефть-газ вилоятида топилган конлар негизида қитъалараро газ қувурлари бунёд этилдики, бу газ дарёлари Урал ва мамлакатимиз марказий районлари саноатини табиий газ билан таъминлаб турибди. Кейинги даврда бир қатор йирик олтин конларининг, айниқса Мурунтов йирик олтин конининг топилиши ва унинг ишга туширилиши Ўрта Осиёда типла конларини қидиришда буюк бурилиш бўлди.

Археолог ва шарқшунос олимларимизнинг ашёвий далилларга суяниб таъкидлашларига кўра, Ўрта Осиёда олтин тош даврдан бошлаб қазиб олинган ва қўлланилган. Бундан тахминан икки ярим минг йил муқаддам ҳозирги Ўзбекистон территориясида тилла қазиб олинганлигидан далолат берувчи аломатлар бор. Ҳозиргача ҳам айрим жойларнинг номлари Олтинтопган, Олтинқазган, Зарафшон, Тиллатоғ, Сангизар деб аталиб, бир вақтлар бу жойларда нодир металл олинганидан ишорага ўхшаб туюлади.

Мўғуллар босқинига қадар бўлган даврда иқтисод, илм-фан ва санъат билан бир қаторда тоғ саноати ҳам равнақ топди. Ана шу даврда Ўрта Осиё халқлари Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал Хоразмий сингари буюк олимларни етиштирдилар. Буюк астроном, географ, математик ва мамлакатимизнинг тўнғич минералоги Абу Райхон Беруний биринчи бўлиб минералларнинг физик хоссаларини ўрганди. Олим махсус асбоблар ясаб, олтин ва бошқа қимматбаҳо тошларнинг соляштирма оғирлигини аниқлади. Беруний «Минералогия» деб номланган асарида олтин, кумуш, мис, темир, қўрғошин ҳамда қиммаҳбаҳо тошларнинг хоссаларини таъриф-тавсиф қилди. Шунисқ ғоят диққатга сазоворки, Беруний ҳозирги Тожикистон территориясидаги олтин ва флюорид, Оҳангарон водийсидаги фируза конлари, Фарғонадаги тошкўмир, асфальт ва нефть конлари тўғрисида маълумотлар беради. Беруний минералларнинг салиштирма оғирлигини аниқлаб экан, бу билан фанни таъриф-тавсиф илмидан аниқ илмга айлантирди.

Абу Али ибн Сино Самарқанд тоғларида илмий кузатув ўтказиб бу тоғларни ташкил этувчи жинслар денгиз тубида пайдо бўлган деган хулосага келди...

XIX асрга келиб И. В. Мушкетов, Г. Д. Романовский, Н. А. Северцев, П. П. Семёнов-Тяншанский ва бошқа тадқиқотчилар Ўрта Осиёнинг геологик тузилишини биринчи бўлиб ёритдилар. Бу олимларнинг ишлари келажакда синчиклаб ўтказиладиган тадқиқотлар, шуниндек қидирув ишлари учун ҳам асос бўлди.

Монографиянинг кириш қисмида олтин конларини ўрганиш масаласи шу тарихга муфассал ёритилган. Китобнинг биринчи қисми Ўзбекистоннинг олтин маъданли формацияларига бағишланган. Асарда 9 та олтин формацияси нинг таъриф келтирилган. Бу қисмда Кўчбулоқ, Бургунди, Қизил Олмасой, Чадоқ, Рабинжон, Қўқпатас ва Мурунтов конларининг геологик тузилиши, бу конларда учрайдиган магматик жинслар, олтин ва бошқа минералларнинг хосса-хусусиятлари, руда томирларида ва минераллар таркибида учрайдиган бошқа элементларнинг хоссалари ўрганилган.

Монографиянинг иккинчи боби «Ўзбекистондаги эндоген формацияга кирувчи олтин конлари ва маъдан бор ерларни минерал-геохимик жиҳатидан таққослаб тадбиқ этишга бағишланган. Бу бобда пирит, халькопирит, арсенопирит, висмутли ва бошқа олтин конларининг таъриф лари ва геохимик хусусиятлари берилган. Конлар пайдо бўлиши жиҳатидан иккига бўлинади. Бирламчи ёки туб конлар ер қобиғида магматик жинслар билан алоқада ҳосил бўлгандир. Улар эндоген конлар деб аталади. Иккиламчи конлар эса ернинг устки қисмида тоғлар ҳосил бўлиш даврида бирламчи конларнинг емирилишидан ҳосил бўлади. Бу конларни сочма конлар ёки экзоген конлар деб аталади. Бу гуруҳга оксидланиш зонасида бошқа минералларнинг емирилишидан ҳосил бўлган конлар ҳам киради. Бу масалалар асарнинг «Ўзбекистон олтин минерализацияси оксидланиш зонасидаги экзоген жараёнлар, уларнинг минерологияси ва геохимиясининг баъзи масалалари» бобида ҳамда «Ўзбекистоннинг сочма олтин конлари» бобида илмий жиҳатдан ҳар томонлама ёритилган. Тўртинчи бобда сочма олтин конларининг ҳосил бўлиш шароити ва уларнинг жойланиш қонуниятлари, нураш қобиғининг манбалари ва бошқа бир қанча масалалар ёритилади. Шундай қилиб, сочма олтин конлари нембрий, ордовик ва силур даврларида ҳосил бўлган терриген чўкинди жинсларида учраши ва бу конларнинг емирилишидан пайдо бўлган мезозой ва кайнозой давр чўкиндиларида ҳам олтин ётқизиқлари ҳосил бўлиши аниқ кўрсатиб берилган.

Китобнинг иккинчи қисмида Ўзбекистон олтини металлогениясининг асосий хусусиятлари белгиланган. Ўзбекистон территориясидаги металлогеник районларга бўлинган ва уларнинг турлари таъриф лангган.

Олтин конларининг ҳосил бўлиши муайян жойнинг геологик тузилиши билан чамбарчас боғланган. Китоб авторлари пухта ўрганилган регионал геологик фактларга асосланиб, Ўзбекистон территориясини районларга бўлиб чиқишди. Районлаштиришга асос қилиб машҳур олим, ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳабиб Абдуллаев ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси В. Чоповларнинг схемаси олинган. Зоналар ва улар ичидаги поясларнинг батафсил таъриф лангган ва олтин конларининг қандай геологик шароитларда ва қандай элементлар билан учраши яқол кўрсатиб берилган.

Китобдаги иккинчи қисмнинг учинчи бобида Ўзбекистон олтин конларининг жойланиш омиллари тўғрисида фикр юритилди. Магматик омиллар келтирилади. Магматик жинслар конларнинг жойланишинигна эмас, балки уларнинг келиб чиқишини ҳам кўрсатиб туради. Конларнинг магматик жинслар билан генетик боғлиқлиги Х. Абдуллаев, И. Ҳамробоев, Х. Боймуҳамедов, И. Айзенштат ва бошқа олимларнинг асарларида ёритилган эди.

Китобнинг охирги боби Ўзбекистондаги олтин конларнинг истиқболи ҳамда олтин геологиясининг муаммоларига бағишланган. Бу бобда Ўзбекистон ер остида кўпгина эндоген конлар тўпилиши назарий жиҳатдан асослаб берилган, амалий далиллар келтирилган ҳамда ўлкамизда сочма конлар ҳам топилиши мумкинлиги тўғрисида илмий хулосалар чиқарилган.

Монография авторлари кўпдан-кўп ашёвий далиллар келтириб, Ўзбекистонда янги олтин конлари очиш учун катта имкониятлар борлигини таъкидлайдилар. Яқин келажакда йирик конлар очилади деб ишонч билдирадилар. Янги олтин конлари ривожланиб бораётган олтин саноати учун негиз бўлади. Асарда олтин геологиясига таллуқли бир қанча муаммолар ҳам ўртага ташланадики, уларни ҳал этишга Ўзбекистон геологлари ва олимлари шай бўлиб турибдилар. Республикамизнинг олтин конлари геологиясига бағишланган бу асарни илмий жамоатчилик аўр қониқиш ва маминият билан кутиб олди. Китобни кўпроқ тираждa қайта нашр этиш айни муддао бўлур эди. Ўйлаймизки, бу монография контопарларимиз қўлида дастурилмал бўлади.

И. МИРХУЖАЕВ,
Геология-минералогия фанлари доктори, профессор,
С. ИБОДУЛЛАЕВ,
Геология-минерология фанлари нандидати, Геология ва минерал хом ашё Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг директори.

ТАСС АХБОРОТИ

ВЕНЕРА ТОМОН БИРГАЛИКДА ПАРВОЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Венера-5» ва «Венера-6» планеталараро автомат станциялари Венера планетаси томон биргаликда парвоз қилишни давом эттирмоқда. Станцияларнинг Венера планетасидаги белгиланган жойга етиб боришини таъминлаш мақсадида парвоз программасига мувофиқ 1969 йил 14 ва 16 март кунлари уларнинг ҳаракат траекторияси тўғрилаб қўйилди.

Радио орқали ердан берилган командага мувофиқ, станцияларни бошқарувчи борт системаларига олдиндан парвоз траекторияларини тўғрилаш сеанслари ўтказишга мўлжалланган махсус программалар киритилган эди.

«Венера-5» ва «Венера-6» автомат станциялари ҳаракат траекторияларини тўғрилаш сеанслари ердан берилган команда билан бошланди. Шундан кейинги процесслар — станцияларни қуёшга ва Сириус юлдузига нисбатан ўнглаб олиш, уларнинг программага биноан ҳаракат қилиши, ҳаракатни тўғриловчи двигатель установкаларини ишга солиш ва ўчириш процесслари станциялар ичидаги электрон — программ-вақт қурилмаларидан берилган командаларга мувофиқ автоматик тарзда ўтказилди.

Телеметрия ахборотлари ва траектория ўлчовларининг анализи шуни кўрсатдики, ҳаракат траекториясини тўғрилаш маневрлари муваффақиятли бажарилди ва станциялар Венера плайётасига бориб тушишини таъминловчи парвоз траекториясига ўтказилди.

«Венера-5» станцияси планетага 1969 йил 16 май куни ва «Венера-6» станцияси 17 май куни етиб бориб қўнади, деб кутилмоқда.

Ҳаракат траекторияларини тўғрилаш сеанслари ўтказилаётган вақтда «Венера-5» станцияси ердан 15,5 миллион километр ва «Венера-6» станцияси 15,7 миллион километр масофада учиб бораётган эди.

Автомат станциялар билан барқарор радио алоқаси боғлаб турилибди. «Венера-5» станцияси билан 34 марта радио алоқа сеанси ва «Венера-6» станцияси билан 29 марта радио алоқа сеанси ўтказилди.

Телеметрия ахборотлари маълумотларига кўра, автомат станцияларнинг илмий аппаратлари ва борт системалари нормал ишлаб турибди. Станцияларнинг герметик бўлмаларидаги босим ва ҳарорат белгиланган даражада турибди.

«Венера-5» ва «Венера-6» автомат станцияларининг парвоз программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАЛАБ ҚИЛАДИ

ИЧКИЛИК КАСОФАТИ

Бизнинг давлатимиз ўзининг дастлабки кунларидан бошлаб ичкиликбозликка қарши кескин кураш очган эди. 1919 йил декабрь ойида РСФСР Халқ Комиссарлари Совети чиқарган қарорда жамоат жойларида спиртлиқ ичимликлар ичиш ман этилиши билан бирга, ҳатто маст ҳолда жамоатчилик тўпланадиган жойларга келган кишилар жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Бу қонунни бузган шахслар озодликдан маҳрум этилар ёки мажбурий ишга юборилади.

Республикамизда ичкиликбозликка қарши кураш КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети нинг 1958 йил 15 декабрда қабул қилган «Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш ва савдода кучли спиртли ичимликларни сотиш тартиби тўғрисида»ги қароридан сўнг янада кучайтирилди. Соғлиқни сақлаш органлари ичкиликбозликни тартомири билан йўқотишга интилмоқдалар. Чуқур илмий-тадқиқотларга асосланиб, медик олимлар спиртли ичимликларнинг жуда кам миқдори ҳам киши организми учун зарарли эканлигини исботладилар.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, содир бўлаётган жиноятларнинг 30 процентдан ортиғи ичкиликбозлик орқасида рўй бераётир. Жиноят юз берган ҳолатларни текшириш шуни кўрсатадики, ана шу жиноятларнинг келиб чиқишига асосан ичкилик сабаб бўлган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Байрам кунларидан бирида Наманган областидаги Уйғурсой посёлкасида яшовчи Қўқон қишлоқ хўжалик техникумининг 4-курс студенти Ю. Хохлов уйига келади. Бу ерда яқин ўртоғи А.

ЭКИШНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАМИЗ

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз совет деҳқонларига бениҳоя катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. КПСС XXIII съезди ва партия Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг аниқ программалари белгилаб берилган. Бу тарихий ҳужжатлардан илҳомланган деҳқонлар, чорвадорлар, галлакорлар ва бошқа соҳаларнинг меҳнаткашлари маҳсулот етиштиришни йил сайин купайтирмоқдалар, коммунистик маъмурчилик яратиш учун курашяптилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига бир назар ташласак, партия ва ҳукуматимиз ҳар бир соҳани комплекс тараққий эттиришга жиддий эътибор бераётганликларини кўрамиз. Яқинда СССР Министрлар Советининг «Хотин-қиз механизаторларга имтиёзлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда хотин-қиз механизаторларнинг қишлоқ хўжалигида малакали меҳнат қилишлари учун яхши имконият вужудга келтириш кўзда тутилади. Айниқса бу қарор бизнинг пахтачилигимизда ишлайдиган хотин-қизлар — трактор-чилар, механик-ҳайдовчилар сафини мустаҳкамлаш, уларнинг из касбини севиши нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга.

Шу қарордан кейин КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1969 йил 13 февралдаги «Колхозлар, совхозлар ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари томониден давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархини оширш тўғрисидаги қарори асосида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарори эълон қилинди. Қарорга мувофиқ 1969 йилдан бошлаб давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархи 15 процент оширилади. Бу партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорлар ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг яна бир ёркин намунасидир. Қарордан рухланган республикамиз пахтакорлари, шу жумладан совхозимиз коллективи беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳар қачонгидан астойдил меҳнат қилиб, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга бел боғладилар. Олдимизда турган улкан вазифаларни албатта бажарамиз. Лекин бу йили деҳқончилик қийин об-ҳаво шароитида ўтажагини ҳисобга олмай иш кўриш мумкин эмас.

Бу йил қиш чўзилиб, икки ойдан ҳам кўпроқ вақт мобайнида ерни қалин қор қоплаб ётди. Шу даврда деҳқон қиладиган ишларининг кўпини қила олмади. Айниқса, далада қилинадиган юмушларни бажаришнинг иложи бўлмади. Ариқ-зовур қазилмай қолди. Далага маҳаллий ўғит чиқариш кечикди. Бунинг устига кузда шудгор қилинмай қолган майдонлар ҳам анчагина бор. Демак, чигит экиш олдидан қилинадиган зарур тайёргарлик ишларининг ҳажми жуда катта. Бас, шундай экан, экишга тайёргарлик ишларини тезда тугаллаб, экишга жуда пухта ҳозирлик кўришимиз даркор.

Масалан, ўзимизнинг хўжалигимизни олайлик. Ўтган йили шу муддатгача чигит экишга тайёргарлик ишларининг хамласи бажариб бўлинган, ариқ-зовурлар тахт қилинган, далага маҳаллий ўғит чиқариб қўйилган эди. Февралнинг охири ва мартнинг бошларидаёқ ер текислаш, тупроқда намни сақлаш учун шудгорни бороналаш ишларига киришган, экиш олди ишларини мартнинг ярмигача деярли тугаллаб, 27 мартдан экишга тушган эдик.

Бу йил хўжалигимизда ишчинг бориши қандай? Далада иш тўхтагач, барча диққатни машина ва механизмларни ремонт қилишга қаратдик. 27 ҳайдов трактори, 98 чопик тракторининг ҳамласи тайёр қилинди. Сеялка, тирков машиналари ҳам деярли ремонтдан чиқзрилди. Лекин бошқа бир қанча ишлар ҳали бажарилмаган. Механизмлар билан 50 минг, қўл кучи билан 30 минг кубометр ҳажмда ариқ-зовур қазиш ишларини бажариш лозим бўлса, шундан механизмлар билан 15 минг кубометр ҳажмда иш қилинган, холос. Далага 10 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилган, яна 6-7 минг тонна чиқарилади. Яхшиям, ерларимизни кузда шудгор қилган эканмиз. 4112 гектар пахта майдонидан фақат 300 гектари ҳайдалмай қолган эди. Об-ҳаво ноқулай бўлишига қарамай кучли тракторлар билан бу ерларни ҳам 32-34 сантиметр чуқурликда ҳайдаб олдик.

Далаларимизда баҳор нафаси кезяпти. Ерни текислайдиган, шудгорни бороналайдиган пайт. Биз ссвет деҳқонлари ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма чора-тадбирларни кўришимиз, қийин шароитда ҳам чигит экишга яхши тайёрланиб, уни муваффақиятли ўтказиб, мўл ҳосилга пухта замин тайёрлашимиз шарт. Совхозимиз коллективи, коммунист ва комсомол аъзолари, тажрибакорлари ва мутахассислари ўз олдиларига ана шу вазифани қўйганлар. Биз йиғилишларимизда, қандай қилсак, каттик қишнинг оқибати, кўклам экишига тайёргарликнинг кечикиши ўрнини тўлдириб, экишни ўз вақтида, агротехника муддатларида юқори сифатли қилиб ўтказиб олиш ҳақида маслаҳатлашиб олдик.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ТАДБИРЛАРИ

Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунинг мубарак юз йиллигини меҳнатда катта ғалабалар билан кутиб олиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқда. Бизга бахт-саодат берган Улуғ Октябрь революциясининг ижодкори, бизга раҳнамолик қилаётган коммунистик партиямизнинг асосчиси улуғ зотнинг бир асрлик юбилейига муносиб меҳнат совғаси билан бориш барчанинг орзу-тилагидир. Биз — деҳқонлар эу орзуга йил бўйи қилган меҳнатимиз билан муяссар бўламиз. Келаси йил шу вақтда — доҳий юбилейи арафасида бу йилги ишларимизнинг ажойиб самараларини кўрсатиш энг аввало, кўкламги экишни муваффақиятли ўтказишимизга боғлиқдир. Шундай экан, ҳозирги аҳволдан чўчимай, эртамиз тўғрисида қатъиқ ўйлашимиз керак. Халқимизда «кўз кўрқоқ, қўл ботир» деган ҳикматли сўз бор. Билим, тажрибамиз бор. Илғор фанимиз бор. Илғор тажриба ҳамиша бизга ердам беради. Фақат дадил бўлиб, уюшқоқлик билан иш тутсак, барча қийинчиликларни енгиб ўтамиз.

Далалар одамларни еппасига ишга чорламоқда. Шу кеча-кундузда бутун кучғайратимиз, матонатимизни ишга солишимиз керак. Ҳа, **бир кунда икки, ҳатто учтўрт кунинг ишини бажаришга тўғри келади.** Агар шундай қилинмаса, экиш олди ва экиш ишлари чўзилиб кетиб, мўл ҳосил учун курашнинг навбатдаги вазифаларига ҳалал етади

Республикамизнинг бу йилги тўрт миллион 100 минг тонналик пахта хирмонига бизнинг совхозимиз план бўйича 11.800 тонна оқ олтинни билан ҳисса қўшиши ёки 4195 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,2 центнердан ҳосил кўтариши керак. Пахтадан ташқари 300 гектар баҳорикор ерга ғалла, 35 гектар ерга шоли, 75 гектар ерга ҳар хил сабзавот ва полиз экинлари экишимиз лозим. Бу ишларнинг асосий қисми чигит экиш вақтига тўғри келади. Ишнинг ҳажми кўп бўлиши, вақт зиқлигини ҳисобга олиб, барча диққатни экиш олди тайёргарлик ишларини пухта, ниҳоятда сифатли ўтказишга қаратмоқдамиз Яхши ҳозирлик ишнинг ярми деган сўз. Шунга қаттиқ амал қилаётган совхозимиз коллективи, дирекция бошчилиги ва партия комитетининг раҳбарлигида бу йилги экиш кампаниясини ўтказиш юзасидан бир қатор тадбирларни белгилади.

Совхозимизда пахтачилик ишларига 650 ишчи кучи ажратилган. Ҳар бир кишига 6-7 гектардан пахта майдони тўғри келади. Иш жуда тиғиз келган вақтларда, чунончи, йиғим-терим даврида пахтачиликда ишловчилар сонини 800-850 кишига етказиш мумкин. Кўриниб турибдики, ишнинг оғири механизмлар елкасига тушади. Деҳқончилик ишлари кенг равишда комплекс механизацциялашга кўчган бизнинг хўжалигимизда, айниқса бу йил техникага таянилади. Шунинг учун **колган техника ва тирков асбоблари, бошка ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналарини 22 мартгача тахт қиламиз.**

Бу йил ер текислаш, бороналаш, чизеллаш ишлари чигит экиш билан бир вақтга тўғри келади. Ер етилиши билан бу ишларга бир йўла киришилади. Шуни назарда тутиб, техникани 77 звенонинг ерлари яқинига олиб бориб қўйилмоқда. Мутахассис ва тажрибакорлар керталарни доим текшириб турадилар. Қайси **картада иш бошлаш лозим топилганда тайёр турган машина ўша картага бориб ишга туширилади.**

Биз чигит экиш вақтида бир кунда иккиуч кунинг ишини бажаришни кузда тутар эканмиз, бунинг учун техниканинг икки сменада тўхтовсиз ишлашига умид боғлаймиз. Техника бузилиб, тўхтаб қолгудек бўлса, иш чўзилиб кетаверади. Биз бунга йўл қўймаймиз. **Ҳайдов ва чопиқ тракторлари ҳамда бошқа хил техникаларни участкаларга, звеноларга биркитган вақтимизда ҳар бир қисми ва винтини синчиклаб текширмоқдамиз,** баъзи камчиликлари борларини қайтадан тузатиб, сўнгра биркитиб бораётирмиз. Звено бошлиқларининг ҳаммаси механизатор. Булар орасида 15-20 йилдан бери техника билан тиллашиб келаётган моҳирлар ҳам кўп. Улар **машиналарни мавсум давомида бузилиб, шикастланиб қолмаслигига кўзларн етгачгина уни сафга тизмоқдалар.**

МАРТ ОЙИНИ ЧИГИТ ЭКИШ КАМПАНИЯСИГА ТЎЛА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШДА ЖАНГОВАР ОЙ деб эълон қилдик. Шу ой ичида, ҳамма нарса чигит экишга тахт қилиб қўйилади ва байроқча кўтарилиши билан экиш бошлаб юборилади

Тупроқ етилиши билан табақалаб чигит экишга киришилади ва бу иш 7-8 иш кунида сифатли қилиб тугалланади. **Гектарнинг тўла, уя ва кўчат сонининг бут бўлиши экишнинг бошқаноқ таъминланади. 77** экиш экипажи ишлайди. Экиш агрегатларини звено бошлиқларининг шахсан ўзлари бошқаради. Сеялкаларга коммунистлар, тажрибакор деҳқонлар, маҳаллий советларнинг депутатлари, комсомоллар қўйилади.

Кунига ҳар бир агрегат билан 8-10 гектар майдонга чигит экилади. Совхозда ўтган йилда қўлланган тадбир, яъни экишда сон ва сифатни бир-бирига боғлаб олиб борган **экипаж аъзоларини рағбатлантириш иши бу йил кенг қўлланилади. Бунинг учун қўшимча маблағ ажратилди.**

Бу йил ерда нам кўп. Бунинг устига экишдан кейин яна намгарчилик бўлиши, тупроқ совуб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳар гектар ерга чигит билан 80-100 килограмм селитра ва 100 килограмм фосфор ўғити солинади. **Ўғит чигитнинг ёнидан 5-6 сантиметр узоққа, 7-8 сантиметр чуқурликка тушади.** Шунда чигит бехато униб чиқади, ёш ниҳол ўғитдан яхши баҳраманд бўлади, бегона ўтларнинг уругини йўқотиш мақсадида гербицидлар қўлланилади. Ҳамма сеялкалар шуларга мослаштирилятпи.

Қайси пайкалга қандай схема мос келиши маълум. Схемаларни **белгилашда ўтган йилларнинг якуни, машина теримини ташкил қилиш тўла ҳисобга олинди.** Бу йил 50 процент майдонга кенг қаторлаб яъни 90X20 сантиметрли схема бўйича, 50 процент ерга эса 60X50 сантиметрли схема бўйича квадрат уялаб чигит экилади,

УРУҒ — ҳосилнинг онаси. Уруғлик чигитнинг давлат стандартига мос бўлиши жуда ҳам зарур. Совхозда бу масалага жуда катта эътибор берилятпи. Яқин кунларда уруғлик чигитни батамом ташиб оламиз. Экиш вақтида гексахлоран ва янтарь кислотаси билан дорилаймиз.

Чигит экиш кампанияси бошлангунча бир қатор муҳим агротехника тадбирларини амалга оширамиз. Пахта ерларимиз захкаш сизот сув юза жойлашган. **Бу йилги шароитда ер остн сувнинг янада кўтарилиши хавфи бор.** Зовурлар чуқур қазилиб, сизот сув кочирилмасе, ариқ-зовурларнинг этагидаги сув йиғилиб қопадиган жойлар тозаланмаса ернинг етилиши кечикади, экиш узоққа чўзилади, энг хавфлиси чигит униб чиқмайди, чиринди. Шуни ҳисобга олиб **ариқ-зовурларни тозалайдиган механизмларни кеча-кундуз ишлатмоқдамиз.**

Қиш серғғин келган, кор кўп ёққан бу йилги шароитда шудгорнинг тупроғи чўкади, экин майдонлари ўнқир-чўнқир ҳолга келиб қолади. Шуни ҳисобга олиб, **ерни текислаш-планировкага биринчи даражали иш деб қараймиз.** Ер етилиши билан дарҳол кўндалангига борона ўтказамиз, серкесак пайкалларга мола соламиз, ғумай, ажриқ босадиган **1300 гектар ерда чизел-культиватор ишлатамиз.** Ерни қатқалоқ босишига йўл қўймаймиз.

Бултур совхозимиз бўйича 78 процент майдондаги ҳосил машиналарда терилган эди. **Бу йил камида 90-95 процент ернинг пахтасини «зангори кемаэлар теради.** Шуни кўзда тутиб, экин майдонларини механизатор-звено бошлиқларига биркитиб чиқдик, ким қайси пайкалга чигит экса, ўша жонда ғуза парваришн ўтказади, кузга бориб пахтасини ҳам ўзи теради.

Қаттиқ совуқда тупроқ қатлами чуқур музлади, бу билан ҳашарот ва зараркунандалардан бутунлай халос бўлдик, деб олмаймиз **Кузатишлар шуни исботладики, ҳашаротларнинг, бир қисми қор тагида қишлади, бир қисми ўватларда хас-ҳашаклар орасида етибди.** Уни дарҳол йўқотиш керак. Биз **1000 гектардан знёдроқ майдонлар атрофидаги ўватларни дорилаб чиқамиз.** Ўтган йили ҳашарот пайдо бўлган карталарда айниқса кучли профилактик чораларни қўллаймиз.

Совхозимиз партия комитети пахтакорлар орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда. Партия комитети ҳисобидаги 195 коммунистнинг ҳаммаси ҳал қилувчи участкаларда туриб меҳнат қилмоқда. 50 агитатор иш олиб бормоқда. Узаро социалистик мусобақа тобора кучайтирилади, ғолиблар мукофотланиб борилади.

Чигит экиш вақтида савдо, медицина, маданий-оқартув муассасалари хизмати далага кўчирилади.

Доҳиимиз В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга эҳд қилган совхозимиз коллективи барча қийинчиликларни енгиб, чигит экиш кампаниясини ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳамма майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштиришга мустаҳкам замин яратади.

Республика қишлоқ хўжалик илғорлари қурултойида қабул қилинган мажбуриятни совхозимиз коллективи — ишчилари, механизаторлари ва мутахассислари зўр қизиқиш билан муҳокама қилиб чиқдилар. Биз ҳам шу мажбурият асосида чорвачилик ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ҳар йилгидан кўпайтирамиз, **она-Ватанга пахтадан ташқари камида 1000 тонна пахта армуғон этамиз.**

З. МАҲСУМОВ,
Совхоз директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ҳ. ҒАФУРОВА,
Партия комитетининг секретари.

В. БАКУЛИН,
Бош агроном, республикада хизмат кўрсатган агроном.

Ж. ҲАЙДАРОВ,
Бош инженер, республикада хизмат кўрсатган механизатор.

М. ЧАЧИ,
Бўлим бошқарувчиси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ИЗЛАНИШ ШАРОФАТИ

Хўжайли гўшт комбинати икки йил аввал Қорақалпоғистон Автоном Республикаси саноат корхоналари ичида энг қолоқ ҳисобланарди. Комбинат йилига 200-300 минг сўм зарар кўриб ишларди.

Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтилгач, корхона ишлаб чиқаришида бурилиш ясалди. Малакали ишчи ва мутахассисларни жой-жойига тайинлаш, мураккаб иш жараёнларини механизациялаш, меҳнат унумдорлигини оширишга таваллуқли маҳсалаларни тадбиркорлик билан амалга ошириш яхши самара берди. Иқтисодий эшён кўриб ишлашга чек қўйилди.

— Комбинатимизни деярли қайта қурдик десак, хато қилмаган бўламиз,—дейди корхона директори Раиса Жабборова. — Барча ишлаб чиқариш цехлари реконструкция қилинди. Буғ етказиб беруачи хўжалик тўла модернизация этилди. Изланиш ва фидокорона меҳнат шарофати бизни қолоқликдан чиқарди. Ўтган йили коллективимиз пландан ташқари 84,4 минг сўмлик даромад олганлиги, айниқса қувончлидир. Бу йилги ишларимиз ҳам чакки эмас. Январь, февраль ойларида пландагидан 60 тонна кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу кунларда беш йиллик тўртинчи йилининг уч ойлик давлат топшириғини муддатидан илгари бажариш учун ғайрат қилаётирмиз. М. Набиев бошлиқ колбаса цехи коллективи қўлга киритаётган кўрсатичлар бошқа цех ишчилари учун ўрнак бўляпти.

Б. КУРИШЕВ,

Суратларда: колбаса цехи бошлиғи Мурот Набиев ва озиқ-овқат мойлари цехининг илғор ишчиси Дамера Аширбоева ўртоқлар.

Р. Саидов фотолари.

ДАЛА ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР областларида баҳорги экиш учун ер ҳайдашнинг борши тўғрисида 1969 йил 18 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

(Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—ҳайдалиши лозим бўлган майдон; учинчи стун—ҳайдалган майдон: тўртинчи стун—планнинг бажарилиш процанти, бешинчи стун—шу жумладан бир кунда ҳайдалган майдон; олтинчи стун—бир кундик планнинг бажарилиш процанти).

Бухоро	168,9	146,7	86,9	—	—
Тошкент	207,7	172,8	83,2	—	—
Сирдарё	322.3	260,1	80,7	—	—
Қашқадарё	148,8	104,0	70,0	—	—
Сурхондарё	153,0	105,0	68,6	1,7	1,0
Наманган	151,0	89,6	59,5	—	—
Самарқанд	234,0	126,9	54,2	—	—
Андижон	204,6	92,0	45,0	—	—
Фарғона	222,9	34,8	15,5	0,2	0,1
ҚҚ АССР	164,8	25,7	15,5	—	—
Хоразм	131,0	—	—	—	—
Республика бўйича:	2109,0	1157,6	54,9	2,0	0,1

Ўзбекистон ССР областларида шўр ювишнинг борши тўғрисида 1969 йил 18 мартга бўлган

МАЪЛУМОТ

(минг гектар ҳисобида)

(Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — шўри ювилиши зарур бўлган майдон; учинчи стун — шўри ювилган майдон; тўртинчи стун — шу жумладан бир кунда шўри ювилган майдон; бешинчи стун — планнинг бажарилиш процанти).

Сирдарё	150	59,3	—	39,5
Наманган	56	15,4	0,7	27,5
Қашқадарё	3	0,8	0,6	26,6
Бухоро	220	34,6	4,9	15,7
Хоразм	462	59,5	5,9	12,9
Фарғона	215	23,6	2,2	11,0
ҚҚ АССР	400	35,6	0,6	8,9
Самарқанд	12	0,6	0,1	5
Тошкент	7	0,2	0,2	2,9
Андижон	53	1,3	0,3	2,5
Сурхондарё	23	—	—	—
Республика бўйича:	1601	230,9	15,5	14,4

Бухоро область, Навоий шаҳар қурилиш бошқармасининг моҳир қурувчилари республикамиз пойтахтида «Узбекистон» меҳмонхонасини зўр шижоат билан бунёд этмоқдалар; Суратда: (чапдан) С. Носов, В. Хамутовский, В. Новинов, Э. Мадамов, С. Ҳайдаров, Ф. Земцов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ҚИЁ БОҚСИНЛАР

Бўлимимиз ўтган йили гектаридан 30 центнердан пахта хирмони кўтарди. Шу заҳнаш, шўрхок ерда дуруст ҳосил ҳисобланади. Бошқа маҳсулотлар тайёрлаш топшириқлари ҳам бажарилди. Чунки давлатимиз катта моддий-техника ёрдами берди, халқимиз яхши ишлади.

Лекин қишлоқ ободончилигига етарли эътибор берилмаяпти. Сўзимизнинг исботи учун мисоллар кўп. Совхознинг марказий посёлкасидан бўлимга бориладиган дурустроқ йўл йўқ. Бирор киши касал бўлиб қолса медицина муассасаларига олиб бориш амри маҳол.

Совхозимиз раҳбарлари икки гапнинг бирида ишчилар хонадонларини газлаштирдик деб кўкракларига урадилар. Бу тўғри, деярли ҳамма хонадонлар газлаштирилди. Лекин газ печкалари фақат савлат учун турибди, беш ойдан буён баллонларда газ келтирилмайди.

Ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Ойлаб, йиллаб кино-концертлар кўрмаймиз. Газета-журналлар вақтида келтирилмайди. Бўлимда бирорта маиший хизмат кўрсатиш корхонаси йўқ. Магазинлардан қидирган саноат коллари, энг зарур буюмлар топилмайди.

Биз шундай камчиликлар ҳақида совхоз директори Шарипов, 2-бўлим бошлиғи Карамов, партия ташкилотининг секретари Йўлдошев ўртоқларга кўп айтдик. Лекин улар ишчиларнинг ҳақли овозига қулоқ солмаётирлар. Билмадик, бундай ачинарли аҳвол қачонгача давом этаркин?!

Ф. ТЕМИРОВ,
Ч. ХУДОЙҚУЛОВ,
Н. СИДДИҚОВ,
Бухоро областидаги «Бухоро» совхозининг ишчилари.

Козловни маст ҳолда учратади. Улар бир оз суҳбатлашиб туришади. Бирданига уришиб қоладилар. Козлов Хохловнинг кўкрагига пичоқ уради. У шу ернинг ўзидаёқ вафот этади.

Қотил бир кеча-кундуздан сўнг милиция органига кечирим сўраб келади. Козлов ва Хохловлар тенгдош бўлиб, ҳали 20 ёшга ҳам тўлган эмас эди. Улар бир кўчада яшаб, бирга ўсганлар. Козлов кейин ўз қилмишига афсусланди. Лекин бўлар иш бўлгандан сўнг афсусланишдан нима фойда. Бу мисолни яна шу билан тўлдириш мумкинки, кўпгина автомашиналарнинг аварияларига автомашиналарни маст ҳолда бошқариш сабаб бўлмоқда. Милиция органлари томонидан рўйхатга олинган безориликларнинг 80 процентн ичкиликбозлик билан боғлиқдир. Ичкиликбозликка, алкоголизмга қарши кураш олиб бориш жиноятларнинг бир неча марта камайишига имкон беради.

Баъзан, ичкиликбозликка қарши курашиб овора бўлишнинг нима кераги бор, илгари ҳам ичишар эди, бундан кейин ҳам ичишаверади, деган гапларни эшитиб қоламиз. Лекин, бу гапларга қўшилиб бўлмайди. Ичкиликбозликка қарши тинмай кураш олиб бориш жамоатчилик олдида турган муҳим вазифадир.

Ўтган йили ичкиликбозликка қарши курашда яхши натижаларга эришилди. Фарғона, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ичкиликбозликка қарши актив кураш олиб борилятпи. Тошкент областининг Оққўрғон районида, Андижон областининг Москва районида ҳам бу иш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айниқса, бу соҳада Андижондаги милиция органлари ва шаҳар жамоатчилиги яхши натижаларга эришаётирлар. Милиция ходимлари ва дружиначилардан ташкил топган махсус оператив группалар спиртли ичимликларни сотиш қондаларига риоя қилинишини мунтазам текшириб бормоқдалар. Бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилмоқдалар. Бу группаларнинг аъзолари шаҳардаги парклар, ошхоналар, магазинлар ва бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликларнинг ичилишига йўл қўймаётирлар.

Спиртли ичимликларни ҳаддан ташқари истеъмол қилган шахсларга нисбатан мажбурий таъсир чоралари кўрилмоқда. Шаҳарда бир неча сатирик кўргазмалар мавжуд бўлиб, уларга ҳушёрхонага келтирилган шахсларнинг расмлари қўйилмоқда. Ишхоналарининг раҳбарлари милиция органларига суҳбатга таклиф этилмоқда.

Область ички ишлар бошқармаси область ижрокомига кечқурун соат 8 дан кейин ароқ ва бошқа спиртли ичимликларни сотишни ман этишни таклиф қилди. Бу таклиф асосида тегишли қарор қабул қилинди. Область савдо бошқармаси ва область матлубот союзи савдо корхоналари ва тармоқларига зарур кўрсатмалар кўрсатиши ва область ижроия комитети қарорининг бажарилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатиши таклиф этилди.

Ичкиликбозликка қарши кураш соҳасида амалга оширилган тадбирлар қатнасида жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, шаҳар кўчаларида маст ҳолда юрган шахслар томонидан содир бўлаётган жиноятлар сони камайди.

Республикамизда ичкиликбозликка қарши кескин кураш олиб бораётган корхоналар кўп. Масалан, Тошкентдаги «Электротехника», Трактор-йиғув, «Таштекстильмаш» заводларида, Тўқимачилик комбинатида бу иш яхши ташкил этилган. Тошкент электротехника заводида алкоголизмга қарши кураш коллективнинг диққат марказида турибди. Коллективнинг бирор аъзоси ичкиликка ружу қилса, у завод касаба союз комитети мажлисида, комсомол йиғилишида, ўртоқлик судида муҳокама қилинади. Айбдор шахсларга хайфсан эълон қилинади. Маълум муддатга мукофотдан маҳрум этилади. У ёки бу шахснинг ноўрин хатти-ҳаракати бутун коллективга маълум бўлади. У заводнинг кўп тиражли газетасига ёзилади.

Бу корхоналарда ичкиликбозликка қарши мунтазам кураш олиб борилаётганлиги туфайли спиртли ичимликларни ичувчилар кескин камайди. Бу корхоналарда ичкиликбозликка қарши курашда эришилаётган муваффақиятлар шуни кўрсатадики, ичкиликбозликнинг олдини олиш мумкин. Шунинг учун меҳнаткашлар коллективларида, қурилишларда ичкиликбозликка қарши мунтазам кураш олиб бормоқ даркор.

Е. ИСАЕВ,
Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари.

Оламда НИМА ГАП

ВАЗМИНЛИК ВА АҚЛИ РАСОЛИК

ВАРШАВА, 17 март. (ТАСС). Совет ҳукуматининг 15 мартдаги баёноти вазминлик ва олижанобликни ифодалайди, деб ёзади бугун «Штандар млодих» газетаси. Шу билан бирга, бу баёнот СССР чегаралари ҳимоя қилинишини кескин қилиб айтиб ҳам қўйди.

Иғвогарликнинг ташкилотчилари, деб ёзади газета, ўзлари кўзлаган мақсадга эриша олмадилар. Уссури дарёсидаги воқеалар СССРнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини мустаҳкамлади. Бутун дунё жамоатчилиги Совет ҳукуматининг вазминлиги ва ақли расолигига қойил бўлмоқда, чунки СССР ҳукумати янги таҳлика манбаининг вужудга келишига йўл қўйишни истамаётир.

Территориал даъволар, иғвогарликлар ва чегара можаролари Хитойдаги Советларга қарши кампанияни кучайтиришга хизмат қилади, деб ёзади сўнгра «Штандар млодих» газетаси. Советларга қарши ана шу васваса Хитой маъмурларига аввало, ички сиёсий мақсадлар учун керак бўлиб қолди. Хитой маъмурлари шу тариқа ҳозирги рахбарларнинг экономика ва сиёсат соҳасидаги кўлгина маглубиятларидан халқнинг эътиборини четга тортмоқчи бўлдилар.

Пировардида газета бундай деб ёзади: шу қабилдаги иғвогарликлар Хитойнинг халқаро ишчилар ҳаракатидаги бузғунчилик сиёсатига ҳам хизмат қилади. СССРга нисбатан душманлик ва СССРнинг Европадаги ва бутун дунёдаги позицияларини бўшаштириш негизида империалистик давлатлар билан яқинлашишга интилаётган маочилар Бонн Ғарбий Берлинда иғвогарлик ҳаракати қилаётган бир пайтда ўз кирдикорларини активлаштириб юбордилар.

УЛАН-БАТОР, 17 март. (ТАСС). «Унэн» газетаси бугунги сонида қуйидагиларни ёзади: Хитой маъмурларининг Даманский ороли яқинидаги олдиндан режалаштириб қўйилган янги қуролли иғвогарликлари монгол халқининг қаҳр-ғазабини қўзғаб юборди.

Бутун Монголияда бўлиб ўтаётган кўп кишилик норозилик митингларида меҳнаткашлар Мао группасининг Совет—Хитой давлатлараро муносабатларини кескинлаштиришга қаратилган хатарли сиёсатини лаънатламоқдалар. Бундай сиёсат империализм, кучларигагина кўл келади ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабат принципларини қўпол равишда бузишдан бошқа нарса эмас, деб ёзади газета.

Жамоатчилик вакилларининг марказий матбуотда эълон қилинган фикрларида, деб хабар беради Монцамэ агентлиги, Мао группасининг янги қуролли хуружи маочилар ўтказаётган авантюристик сиёсатнинг яна бир тувоҳи деб таърифланади.

Хитой маъмурларининг иғвогарлик ҳаракатлари тўхтовсиз давом этаётганлиги хусусида Совет Иттифоқи ҳукуматининг 15 мартда эълон қилган баёнотини Монголия меҳнаткашлари батамом қўллаб-қувватлайдилар ва Пекин ҳукмдорларидан Совет территориясига сурбетлик билан қилинаётган ҳамларни тўхтатишни қатъиқ талаб қиладилар.

БЕРЛИН, 17 март. (ТАСС). Пекин маъмурларининг Совет—Хитой чегарасидаги янги қабиҳ қуролли иғвогарликлари тўғрисидаги хабарларни ГДРда чиққан бугунги газеталар «Иғвогарлар ҳайдаб юборилди», «Совет солдатлари хитойлик бузғунчиларни тум тарақай қилиб юбордилар» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди. Хабарларда ўз Ватани чегараларини фидокорлик билан ҳимоя қилаётган Совет чегарачиларининг мардлиги ва чексиз матонати тўғрисида ҳикоя қилинади.

«Трибюне» ва «Юнге вельт» газеталари совет ҳукуматининг совет территориясига яна сурбетлик билан бостириб кирилганлиги хусусидаги баёноти мазмунини босиб чиқардилар.

«Юнге вельт» газетаси Советлар мамлакатининг ҳамма жойидаги СССР гражданлари Мао тўдасининг янги разил иғвогарлигини кескин қораламоқдалар, деб таъкидлайди. «Берлинер цайтунг» газетаси Совет Иттифоқининг бутун территориясида Совет гражданларининг оммавий митинглари бўлаётганлиги, митинг қатнашчилари Мао тўдасининг агрессив ҳаракатларидан даргазаб бўлганлигини изоҳ қилаётганликлари тўғрисида ёзади.

«Нойес Дойчланд» газетаси Пекиннинг янги иғвогарлик ҳаракатларини «қасддан режалаштирилган хуруж» деб атайди.



ИРОҚ. Совет Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланганидан буён 10 йил ўтди. Шу даврда ичида Ироқда СССР ёрдами билан кўпгина корхоналар, жумладан темир-бетон шпаллари ишлаб чиқарувчи завод, консерва заводи, тикувчилик ва пайпоқ-трикотаж фабрикаси қуриб битказилди. Шунингдек Самарра шаҳрида антибиотиклар ва фармацевтика дорилари тайёрловчи завод қурилиши тугалланди. Суратда: антибиотиклар заводининг цехларидан бирида.

А. Матюшин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЧАД РЕСПУБЛИКАСИ Африка қитъасининг энг марказига жойлашган. Мамлакатининг шимолий қисмида Сахроҳ Кабирининг ёйдоқ қумларигина ястаниб ётади. Бу ернинг Чад кўли районидаги айрим воҳаларидагина кун кўриш мумкин. Лекин бу ерда ҳам деҳқонлар яхши ҳосил кўтаришади деб бўлмайди. Дон етиштириш учун жуда кўп сув керак. Ушбу суратда тасвирланганидек, бу ерда яшовчилар қудуқ ковлаб, шу қудуқ сувн билангина ўз ерларини суғориб, ҳосил олишади.

Б. Федоров фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

РЕВОЛЮЦИОН КОМИТЕТЛАР ТУЗИЛМОҚДА

КОНАКРИ, 17 март. (ТАСС). Гвинея ҳукуматининг кўрсатмасига мувофиқ ҳозир бутун мамлакатда Гвинея Демократик партияси бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида революцион комитетлар тузилмоқда. Ҳукуматга қарши фитна фош қилинганлиги муносабати билан ўтказилаётган сўроқ ва терговни назорат қилиб туриш шу комитетларга топширилган.

Революцион комитетларнинг тузилиши Лабе шаҳри атрофидаги парашютчилар лагерида февраль ойининг охирларида рўй берган воқеаларга Гвинея Демократик партияси билан Гвинея ҳукумати ининг жавоб чораси бўлди. Партия миллий раҳбарлигининг баёнотида айтилишича, лагердаги аҳвол текширилиб кўрилганда ҳукуматга қарши фитна борлиги фош қилинган, фитна қатнашчиларининг ажнабий доиралар билан алоқадор бўлганлар. Ҳукумат маъмурларининг ихтиёрида бўлган маълумотларга кўра, империализмга сотилган кучлар Гвинеяга суқилиб кириб олганлар, улар парашютчиларнинг ғалаёнини қўлдаб-қувватлаш тўғрисида йўл-йўриқлар олиб туришган.

КАТТА ҒАЛАБА

ПАРИЖ, 17 март. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг номзоди Ж. Папо Руайянда (қуйи Шаранта департаменти) ўтказилган Кантон сайловларида катта ғалаба қозонди. Овозга қўйишнинг иккинчи даврасида сайловчиларнинг 35 процентидан кўпроғи уни ёқлаб, овоз берди.

Франция Коммунистик партиясининг бошқа бир номзоди Ш. Вилар Орньерда (юқори Альп департаменти) ўтказилган Кантон сайловларида янада катта муваффақиятга эришди. У барча овозларнинг 53 процентидан кўпроғини олишга муваффақ бўлди.

ҲЕЧ ҚАНДАЙ СИЛЖИШ БЎЛМАЯПТИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Вьетнам масаласи юзасидан чақирилган кенгашда қатнашувчи тўрт делегация ҳар пайшанба куни Парижнинг Авеню Клебердаги халқаро конференциялар уйида ялпи мажлис ўтказиб турибди. Шу вақтгача саккиз мажлис бўлди. Аммо бу мажлислар мунтазам суратда ўтказилишига қарамай, музокараларда ҳеч қандай силжиш бўлмади.

Маълумки, Париж кенгашидан кузатилган асосий мақсад — урушга чек қўйиш ва тинчликни тиклашдир. Аммо, Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси ҳақли суратда таъкидлаб ўтганидек, бу вазифани амалга оширмоқ учун Жанубий Вьетнамдаги реал воқеликни, масалани тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган яхши ният ва самимий интилиш борлигини билиб олиш талаб этилади. Америка томони ва Сайгон маъмуриятн вакилларида худди шу нарса етишмаётир. Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик делегациялари АҚШ Жанубий Вьетнамдаги жанг майдонида ҳам, Париж кенгашида ҳам зўравончик қилишга интилмоқда ва Жанубий Вьетнам халқининг мустақиллик, демократия ва тинч яшаш ҳуқуқини тан олишдан бош тортмоқда, деб кўп марта таъкидладилар.

Жанубий Вьетнам территориясида АҚШ ва унинг агрессиясидаги иттифоқчиларига қарашли 600 мингдан ортиқ армия бор экан, Жанубий Вьетнам халқининг шу ҳуқуқларини таъминлаш иложи йўқ эканлиги тамомила аёндир. АҚШ ўз қўшинларини олиб чиқиб кета бошлаш ўрнига ўз Ватанининг озодлиги учун жанг қилаётган Жанубий Вьетнам ватанпарвар кучларининг ҳозирги жанг операциялари тўғрисида шовқин-сурон кампаниясини авж олдириб юборди.

Ана шу шовқин-суронлар ва Миллий озодлик фронтига қилинаётган таҳдидлар Вашингтондаги базъи доиралар аввалдагидек ҳозирда ҳам уруш ҳаракатларини кучайтиришни талаб қилаётганликларини исбот қилади. Фактлар ҳам шуни кўрсатиб турибди. Масалан, Америка ҳарбийлари Жанубий Вьетнам ватанпарварларига қарши жазо операцияларини кучайтирмоқдалар. Жанубий Вьетнамнинг кўп районларини қаттиқ бомбардимон қилмоқдалар. Вьетнам Демократик Республикасининг территорияси устида ўз самолётларининг парвозини давом эттирмоқдалар ва демилитарлаштирилган зонанинг шимолий қисмини тўпга тутмоқдалар.

Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг делегациялари Женева битимлари руҳида можарони тинч бартараф қилиш мақсадида конкрет таклифларни илгари сурмоқдалар.

Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи Суан Тхюи 13 мартда Парижда ўтказилган мажлисда бундай деди: «Биз бу ерга яхши ниятлар ва жиддий ниятлар билан келдик. Қўшма Штатларнинг ҳозирги раҳбарлари ҳам ўз қарашлари ва ўз ҳаракатларида ҳақиқий — реал йўлга ўтишлари керак. Улар Вьетнам проблемасини Вьетнам халқининг миллий ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида тинч йўл билан ҳал этишни ҳақиқатан ҳам истар эканлар. Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имкониятини беришга тайёр эканлар, у ҳолда ҳийла-найранглардан воз кечишлари керак. Бу ҳийла-найранг шундан иборатки, улар уруш ҳаракатларини доим кучайтириб бораётган бир пайтда, тинчлик тўғрисида қуруқ гапларни айтмоқдалар. Улар агрессияни тўхтатишлари, Америкаининг ҳамма қўшинларини ва ўз гумашталарининг қўшиларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетишлари ва Жанубий Вьетнам аҳолисига ўз ишларини ташқаридан ҳеч қандай аралашувга йўл қўймай, ҳал этиш имконини беришлари лозим».

Америка делегациясининг Вьетнам Демократик Республикаси вакиллари билан Миллий озодлик фронти вакилларининг реал конструктив таклифларига эътибор берсалар, ниҳоят Вьетнамдаги можарони тинч йўл билан бартараф қилиш мумкин бўлади. Барча мамлакатларнинг халқлари, шу жумладан АҚШ халқлари ҳам буни астойдил истайдилар.

В. ХАРЬКОВ, А. ТЮПАЕВ. (ТАСС).

Исроил босқинчилари эгаллаб олган жойлардаги аҳолига қилинаётган зулм гитлерчилар вахшийлигидан сира ҳам қолишмайди.

— Ҳеч ааманглар! Бизнинг анойилардан эмаслигимизни билиб қўйишсин!

ГФР водород бомбасига эга бўладиган кун унчалик узоқ эмас: унинг урам қаралаш ишларида Англия билан Нидерландия жонларини жабборга бериб қўмаклашишмоқда.

— Ҳа, баракалло, ҳалол ишлаганларнинг учун уни сизларда синаб кўрмаслиққа ҳаракат қиламиз...

З. Дамский чизган суратлар. («Польское обозрение» ҳафталигидан).

ҲАР ТЎҒРИДА

ХОНАКИ АРИЛАР

Жуда кўп мамлакатларда, шу жумладан Англия, Чехословакия, Дания ва Швецияда тукли арилари «хонакилаштириш» тўғрисида тажрибалар олиб борилмоқда. «Хонаки» арилар ёрдамида йўнгичқа ва бошқа шунга ўхшаш экинлар чанглатилади. Асаларилар қаво булутли ёки ёмғир ёғиб турган пайтларда экинларни чанглатмайди. Хонаки арилар эса вақт танламайди. Ёмғир ёғиб турганда ҳам, ҳавода булут бўлганда ҳам «ишлашаверади».

ШИФОБАХШ КУЛ

Туркманистонда Тузкон номли кўл бор. У Амударёнинг чап қирғоғида, Саёт қишлоғига яқин жойда жойлашган. Бу кўлда туз шу даражада кўпки, қирғоқ ҳаммавақт оқариб ётади. Атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси бу кўлга келиб, чўмилишади. Бод касалларига Тузкон жуда фойдалидир.

«ТИРИЛГАН» ДАРЁ

Подшоҳ Кир Ироқдаги Диала дарёсидан қўшинлари билан ўтаётган эди. Шунда подшоҳнинг «муқаддас» оқ оти сувга ботиб кетди. Ғазабланган Кир 360 та канал қазиб, дарё сувини шу каналларга бўлиб юбориш, дарёни йўқ қилишга буйруқ берди. Шундай қилиб, Диала дарёси ер юзидан йўқ бўлиб кетди. Орадан минг йил ўтди. Йиллар ўтиши билан каналлар қумга тўлиб, дарё яна ўз ўзанидан оқа бошлади.

ТАЖУР ҚАЕҚҚА ОҚАДИ?

Одатда дарёлар тоғ ва кўлардан бошланиб, денгиз ва океанларга қуйилади. Лекин текстари оқадиган дарёлар ҳам бор. Африканинг шимолий-шарқий қирғоғидаги Тажур дарёси ана шундай дарёлардан. У денгиздан сув олиб, Тажур бўғози орқали қитъанинг ичкарисига қараб оқади ва Ассал кўлига бориб қуйилади.

ЖАҲОН ИЛМИЙ МЕРОСИДАН

ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ ЛОЙИҲАСИ БУЙИЧА

1966 йил ноябрь ойининг бошларида Италиянинг Тоскана ва Венеция вилоятларида сув тошкини бўлди. Жуда кўп кишилар ҳалок бўлди ва иморатлар ҳароба ҳолига келди.

Ҳозир Флоренцияда тиклаш ишлари олиб бориляпти. Дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги музейлар, кутубхоналар, илмий муассасалар, шунингдек рассомлар, ҳайкалтарошлар Италиянинг бу қадимий шаҳрига кўлларидан келган ёрдамларини беряптилар.

Олимлар бундай сув тошкини яна бўлса, унинг олдини олиш чоралари ҳақида ҳам бош қотирмоқдалар. Мана шу изланиш ишлари давомида... италиялик олимлар кутилмаганда архив материаллари орасидан Флоренцияни сақлаб қолиш лойиҳасини топиб олдилар. Бу лойиҳа бундан 450 йил муқаддам яратилган экан. Унга Италиянинг гениал рассоми, олим ва инженери Уйғониш даврининг энг атоқли вакилларидан бири Леонардо Да Винчи ишлаб чиққан экан.

Леонардо Да Винчи бутун Апеннин ярим оролини диқкат билан ўрганиб чиқиб, тошқин бўлиши эҳтимол тутилган жойларда улкан сув омборлари қуришни таклиф этган. Лекин унинг лойиҳаси амалга ошмай қолиб кетган. Ҳозир ҳам олимлар Флоренция ва Марказий Италиянинг бошқа шаҳарларини тошқин хавфидан сақлаш чораларини кўришда Леонардо Да Винчи лойиҳасини асос қилиб олиш ўринлидир, деб ҳисобламоқдалар.

М. ВЛАДИМИРОВ.

ФУТБОЛ

МАВСУМ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

Мухлисларни кўпдан бери қизиқтириб келаётган бу саволга энди жавоб берса бўлади. Яқинда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети Иттифоқимиз бўйича 1969 йилги футбол чемпионатининг ўтказилиш тартибини тасдиқлади.

Мамлакат 31-чемпионати байроғи 4 апрелда кўтарилиб, футбол мавсуми бошланса, ноябрнинг тўртинчисида байроқ туширилиб, ўйинлар якунланади. Футбол шинавандалари зориқиб кутишаётган ана шу биринчи футбол куни, «Пахтакор» ўйинчилари Минск динамочиларини, «Нефтчи» одессаликларни, «Арарат»—Киев динамочиларини, Тбилиси динамочилари «Локомотив»ни ва шунингдек «Заря» «А» класс дебютанти —«Уралмаш»ларни қабул қиладилар.

Бу йилги мамлакат биринчилигида қатнашадиган олий лигадаги командалар ҳар бири ўнтадан иборат икки кичик группаларга бўлинди. БИРИНЧИ ГРУППАГА «Динамо» (Киев), «Черноморец» (Одесса), пойтахтнинг «Динамо» ва ЦСКА командалари, СКА (Ростов-Дон), «Нефтчи» (Боку), «Арарат» (Ереван), «Заря» (Луганск), «Крылья Советов» (Куйбишев) ва «Уралмаш» (Свердловск) командалари киритилди. ИККИНЧИ ГРУППА Ленинград — «Зенит», Москва — «Спартак», «Торпедо» ва «Локомотив», Тбилиси — «Динамо», Тошкент — «Пахтакор», Олмаота—«Қайрат», Донецк — «Шахтер», Минск — «Динамо» ва Кутаиси — «Торпедо» командаларидан иборат бўлади.

СССР кубоги учун бўладиган мусобақаларни ўтказиш тартиблари ҳам тасдиқланди. Чек ташлаш натижасида бу йил ҳам 1/16 финал ўйинларида қатнашувчи командалар яна ўтган йилги рақиблар — пойтахтнинг «Торпедо»си билан Тошкенткинг «Пахтакор» командалари бўлиб чиққанлиги аниқланди.

Шу кунларда «Пахтакор» қардош Тожикистон бўйлаб сафарда юрибди. Март ойининг иккинчи ўн кунлигида эса Тошкентга келади ва биринчи рақиб—Минск динамочиларини мусобақа кутиб олишга ҳозирлик кўра бошлайди.

«Пахтакор»нинг мавсум давомидаги дастлабки икки давра ўйинлари қуйидаги муддатларда ўтади:

БИРИНЧИ ДАВРА: АПРЕЛЬ. 4. «Пахтакор» — «Динамо» (Минск), 8. «Пахтакор» — «Спартак», 12. «Пахтакор» — «Торпедо» (Москва), 21. «Шахтер» — «Пахтакор». 25. «Локомотив» — «Пахтакор». МАЙ. 2. «Зенит» — «Пахтакор», 9. «Пахтакор» — «Қайрат», 14. «Пахтакор» — «Динамо» (Тбилиси), 18. «Пахтакор» — «Торпедо» (Кутаиси).

ИККИНЧИ ДАВРА: 26. «Қайрат» — «Пахтакор», 30. «Динамо» (Тбилиси) — «Пахтакор», ИЮНЬ. 3. «Торпедо» (Кутаиси) — «Пахтакор». 12. «Пахтакор» — «Шахтер», 16. «Пахтакор» — «Зенит», 21. «Пахтакор» — «Локомотив», ИЮЛЬ. 2. «Спартак» — «Пахтакор». 7. «Торпедо» (Москва) — «Пахтакор», 11. «Динамо» (Минск) — «Пахтакор».

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — В. Мейен. Ўзбек халқ қуйлари мавзуларида ёзилган сюита. 9.50 — «Чорвадорларнинг синов палласи» (тожикча). 10.10 — Украин қуйларидан концерт. 11.15 — «Социалистик революция ҳақидаги ленинча таълимот». 11.30 — «Тоғ пишмоқли концерт. 12.45 — Куйлар. 13.30 — Концерт. 15.15 — Совет Шарқи халқларининг куйлари. 16.10 — «А. Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театри. 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 18.00 — «Шифохоналар халқ хизматида» (русча). 18.10 — В. Терлецкий. Лирик сюита. 18.40 — Спорт (русча). 19.20 — Қозоқ куйларидан концерт. 20.00 «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. 20.30 — Концерт. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун). 22.20 — Еш ижрочилар концерти. 22.40 — Поэзия нечаси. 23.15 — Дам олиш концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — Кўрсатишлар программаси. 18.00 — Рус тилида телеянгиликлар.

Ўзбек тилида: 18.10 — Болалар учун «Қувноқ минутлар». 18.40 — Ленин кутубхонаси. 18.55 — Ўйларимиз — куйларимиз. 19.40 — Телеянгиликлар. 19.55 — Кўрсатишлар программаси. 20.00—Москва кўрсатишлари.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун музикали минутлар. 18.30 — Кинофильм. 18.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.20 — Музикали кўрсатиш.

Ўзбек тилида: 20.00 — Боғ-роғлар кўпайсин. 20.30 — Область театрлари артистлари ижросида концерт. 21.00 — «Турмуш ва маданият» телепрограммаси. 21.30—Инсон ҳаёт экан. (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — Характерли қиз (бадиий фильм). 21.45 — Енгилмас Африка. 22.05 — Концерт.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/III да Ўғил уйлантириш. 20/III да Гули сиёҳ.

КИНО

Революция чавандозлари — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ДРУЖБА», НАВОИЙ номли (Ўзбек тилида). «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (1-2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 21 МАРТДА

Улуғ доҳиймиз Ленинни шарафлаймиз!

ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ шоири Собир АБДУЛЛА

Шоирлар: Асқад МУХТОР, ЧАРХИЙ, Эътибор ОХУНОВА, Эркин ВОҲИДОВ.

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Берта ДАВИДОВА, Кундуз МИРКАРИМОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Гаванкал ҚОДИРОВ (Фарғона), Маҳбуба МАНСУРОВА (Кўқон).

Солистлар: Маҳмуджон ИСОМУДДИНОВ (Наманган).

Ҳабиба ОХУНОВА (Наманган), Муҳаббат ШАМАЕВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Карима УЗОҚОВА.

ХОРАЗМ АНСАМБЛИ «ЛАЗГИ»

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги ва республика давлат страхованиеси бошқармасининг коллективлари Ўзбекистон давлат страхованиеси бошқармасининг бошлиғи А. Х. Умархўжаевга онаси Қамбархон УМАРХЎЖАЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узколхозстрой» Республика бирлашмаси правлениеси колхозлари қурилишлар бўйича Хоразм область трести бошқарувчиси А. Р. Расуловга онаси Раима БОБОЖОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336543. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48—85. Бухоро 31—41. Қарши 22—82. Наманган 21—88. Нукус 42—62. Самарқанд 31—972. Термиз 23—27. Фарғона 41—68. Урганч 34—55.

№ Б. — 66. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 02800.